



O'ZBEKISTON

BUNIYODKORI

№61 (714) 2023 йил 1 август, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook uzbunyodkor

telegram t.me/uzbunyodkor

email info@uzbunyodkor.uz

website uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

31 июль куни Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
Туркия Республикаси Президенти  
Режеп Таййип Эрдоған билан телефон  
орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги самарали алоқалар изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Саноат кооперацияси бўйича, шу жумладан, энергетика, тоғ-кон, озиқ-овқат, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда янги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак қўшма тадбирлар режаси, хусусан, олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев  
31 июль куни Венгрия, Озарбайжон  
ва Япония билан инвестициявий  
ҳамкорликни ривожлантириш  
масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, ушбу мамлакатлар катта иқтисодий ва инвестициявий имкониятларга эга. Сўнгги йиллардаги мунтазам мулоқотлар туфайли Ўзбекистоннинг улар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди, ҳамкорликнинг турли йўналишларида алоқалар фоллашди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Японияда, 2022 йилда Венгрияда расмий ташриф билан бўлган эди. Озарбайжон Президенти ва Венгрия Бош вазири мамлакатимизга келган. Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, "Марказий Осиё – Япония" тузилмалари доирасида доимий фикр алмашиб келинмоқда.

Сиёсий ирода ва ўзаро манфаатдорлик натижасида Венгрия билан 33 та, Озарбайжон билан 27 та, Япония билан 13 та лойиҳа бўйича келишувлар имзоланган.

Йиғилишда ушбу лойиҳаларнинг ижро ҳолати, уларни амалга ошириш бўйича йўлга қўйилган тизим ҳақида ахборот берилди.

Масалан, Венгрия билан ҳамкорликда паррандачилик кластери ташкил этиш, авиакомпания очиш, дори-дармонлар, бутловчи қисмлар ва кимё

маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Озарбайжон билан энергетика, кимё, транспорт, машинасозлик, қурилиш соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда.

Япония билан лойиҳалар кўламини ҳам кенг: энергетика, туризм, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, тўқимачилик, чорвачилик.

Умуман айтганда, Венгрия, Озарбайжон ва Япония билан шерикликдаги ушбу лойиҳалар натижасида 8 мингдан зиёд янги иш ўрни, қарийб 1 миллиард 700 миллион долларлик экспорт имконияти яратилиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, бу борада маъсуллар ва инвестиция менежерлари ишни жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

Икки томонлама мулоқотлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш орқали янги лойиҳалар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Саноат, ахборот технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, хизматлар, таълим ва инновациялар ҳамкорлигининг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Ў.А.

ТАШРИФДАН ТАШРИФГАЧА



## Янги Фарғонанинг тонги, ҳар куни ўзгача

Фарғона вилоятига келган киши бу ердаги ўзгаришлар,  
бунёдкорлик ишларидан кўнгли яйрайди,  
Янги Ўзбекистоннинг нафасини ҳис этади.



Дарҳақиқат, шаҳар ва туманлар янада обод ва кўркам масканларга, чинакам ислохотлар майдонига айланган. Президентимизнинг вилоятга ташрифи чоғида берган кўрсатмалари асосида амалга оширилаётган ҳар бир ислохот, аввало, инсон кадр-қиммати, шаънини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугун жойларда кенг кўламли кулоч ёзиб, халқ розилиги йўлида амалга оширилаётган ишлар оддий одамлар ҳаётида ўз аксини кўрсатмоқда.

Сўнгги олти йиллик кенг кўламли ислохотлар натижасида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,3 бараварга ўсиб, 56 триллион сўмга етди.

Қўлай инвестициявий муҳит, ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик хорижий сармоядорларнинг вилоятга қизиқишини кучайтирди, янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Жорий йилда вилоятда 246 лойиҳа доирасида жами 1,3 миллиард доллар тургидан-тўғри хорижий инвестиция ва хорижий кредитлар (шундан, ҳудудий лойиҳаларда 948,9 миллион доллар) ўзлаштирилиши режалаштирилган. Утган даврда вилоятдаги 180 корхонада 436,6 миллион доллар тургидан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. 152,6 миллион долларлик инвестициялар ҳисобига 502 лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 17 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиб, 787 миллион сўмлик йиллик ишлаб чиқариш қувватлари пайдо бўлди.

Фуркат туманида Хитойнинг "Bnbn building materials Central Asia" масъулияти чекланган жамияти томонидан 30 миллион доллар инвестицияси ҳисобига гипсокартон

ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 130 та янги иш ўрни яратилди. Натижада, йиллик 40 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Риштон туманида "Chinor plyus-2020" хусусий корхонаси томонидан 5,2 миллион доллар инвестиция ҳисобига саноат-хунамандчилик мажмуасини ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилиб, 200 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йил якуни билан 1,2 миллиард долларлик 1 минг 399 лойиҳани ишга тушириш орқали 30,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 триллион сўмга, экспорт 171 миллион долларга, бюджетга тушум эса 611,7 миллиард сўмга ортади.



Айни кунларда Риштон туманида "RUSO'ZBEKTEKS" масъулияти чекланган жамияти томонидан момиқ сочик ва момиқ матодан бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бугунгача 20 миллион доллар жалб қилинди. Лойиҳа фойдаланишга қабул қилиниши натижасида мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Тошлоқ туманида "Zamin Aziya farm" масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 3,6 миллион долларга тенг инфузион эритмалар ишлаб чиқариши ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 60 янги иш ўрни яратилиб, йиллик 5 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларига эришилади.

Шунингдек, вилоятда инвесторлар томонидан кейинги йилларда амалга ошириладиган, қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган мега ва стратегик аҳамиятга эга бўлган 10 инвестиция лойиҳаси шакллантирилди.

Вилоятда 1 минг 62 маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир маҳалланинг "ўсиш нуқтаси" белгиланиб, "бешлик" томонидан салмоқли ишлар бажарилмоқда. Биргина "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури доирасида йил якунига қадар 806 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Шу билан бирга, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" доирасида аҳолига манзилли кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Бугунги кунда маҳаллалардаги аксарият муаммолар ўз ечимини топтоқда. Бунда аҳоли билан мулоқотнинг йўлга қўйилгани, раҳбарларнинг қуйи бўғинга тушиб ишлаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда вилоятда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш доирасида 716 маҳалла фуқаролар йиғинидаги 719 объектда 1 триллион 107 миллион маблағ сарф этилмоқда. Мазкур ишлар натижасида 8 мактаб, 4 мактабгача таълим ташкилоти, 3 спорт,

15 маҳалла бинолари, 374 йўл объеклари, 229 ичимлик суви объеклари, 21 ирригация объекларида қурилиш реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Мактаблар, тиббиёт муассасалари, олий ўқув юртрларида ҳам кенг миқёсли ислохотлар бўй кўрсатмоқда. Мактабгача таълимга қамров даражаси ўтган йилда 86,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда қамров кўрсаткичи 88 фоизга етказилади.

Яқинда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг мукаммал таъмирдан чиқарилган 7 қаватли даволаш биноси ҳамда янги қуриб битказилган қабул-диагностика биносининг фойдаланишга топширилгани фарғоналикларга катта тўхфа бўлди.

Қисқа муддатда – бир йил давомида 32 миллион сўм сарфланиб амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида муассасада бир кеча кундузда бемор қабул қуввати 150 тадан 400 тага етказилди. Филиалда янги қуриб битказилган, беморларни касаллигининг оғирлик даражаси бўйича тақсимловчи, 24 соат ишлайдиган шошилинч қабул бўлимида аҳолига замонавий шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида оғир беморлар учун алоҳида қизил йўлак, шошилинч ёрдамга муҳтож беморлар учун сариқ йўлак ва амбулатор ёрдам кўрсатиш учун яшил йўлаклар ташкил этилди.

Беморларга даволаш диагностика стандартлари бўйича шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун алоҳида шок зали, кичик операция хонаси, муолажа хонаси, болаларга ёрдам кўрсатиш хонаси, травматолог, нейрохирург, хирург, ЛОР, терапевт, лаборатория ва бошқа тор доирадаги мутахассислар учун алоҳида хоналар, тўғри ташхис қўйиш ва тўғри даволаш ишлари олиб бориш учун алоҳида функционал диагностика бўлими ташкил этилди.

Энг асосийси, мазкур муассаса замонавий тиббий жиҳозлар билан жиҳозланди. Натижада 60 турдаги юқори технологик жарроҳлик амалиётлари, даволаш усуллари татбиқ қилиниб, юқори технологик операциялар амалга ошириш имконияти яратилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам изчил давом этмоқда. Фарғона шаҳрида 300 гектар майдонда экошаҳар барпо этилмоқда. Фарғона ва Ёзёвон туманларида эса "Янги Ўзбекистон" массивлари қад ростламоқда, деб ёзади Ў.А. муҳбири Маъсуджон Сулаймонов.

Бугун ким билан суҳбатлашманг, бу каби янгилинишлардан, ўзгаришлардан мамнун эканлигини билдиради. Дарҳақиқат, янги Фарғонанинг ҳар бир тонги, ҳар бир куни шиддатли бунёдкорликларга бой. Асосийси, одамлар ҳаётдан рози бўлиб, юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Нурунийларимиз эса шукроналик билан умргузаронлик қилмоқда.



# ОЛИМПИЯ ШАҲАРЧАСИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хабарингиз бор, яқин келажақда қутилаётган мусобақалардан энг нуфузлиси Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Параосиё ўйинларидир. Бу мусобақалар 2025 йилда Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган. Унда қўт'амизнинг 45 мамлакатидан келган спортчи ёшлар 20 га яқин спорт тури бўйича беллашади.**

Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро мусобақа мамлакат тарихида биринчи марта ташкил этилади. Уни юқори савияда ўтказиш мақсадида замонавий Олимпия шаҳарчасини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа билан бир неча бор танишиб, кўрсатмалар берди. Берилган тавсиялар бош лойиҳачи – Хитойнинг “China Camc Engineering Co. LTD” компанияси томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жараён билан яқиндан танишиш мақсадида қурилиш майдониға борганимизда биноларнинг ташки фасадига миллий нақшлар танлаш бўйича қизғин баҳс-мунозаранинг устидан чиқдик. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закировнинг алоҳида топшириғи билан малакали архитектор Абдуқаҳҳор Турдиев ҳам иштирок этаётган экан. Мухокамалар давомида миллий нақшларнинг турли вариантлари қўриб чиқилди. Мухокамаларда Ўзбекистон томонидан Абдуқаҳҳор Турдиев, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазириликдан Олимпия шаҳарчаси қурилиш ишларига координатор Анвар Усманов ва “China Camc Engineering Co. LTD” компаниясининг масъул вакиллари иштирок этишди. Шу нарсағани алоҳида қайд этиш керакки, шаҳарча қурилиши жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, анча синчковлик билан олиб борилмоқда. Қурилиш жараёнида миллий рамз ва белгилар, логолардан ўзгача дид билан фойдаланишга яхши эътибор қаратилган.

– Ўзбек миллати асрий маданиятга эга, – деди Абдуқаҳҳор Турдиев. – Шу сабаб, бу маданий силсила миллатнинг бугуни ва эртанги кунида ҳам акс этиб турмоғи керак.

Ўйлайманки, ушбу шаҳарча миллийликка уйғун шаклда барпо этилиб, халқимизга топширилади. Бунинг учун юртбошимиз ҳам чин дилдан ҳаракат қилмоқда. Бу борада шаҳарчани бекаму кўст барпо этиш юзасидан керакли тавсия ва маслаҳатларини аямаяпти. Шаҳарчаға кирган киши нафақат бугунги Ўзбекистонни, балки унинг тарихий қиёфасини ҳам ҳис қилиши, кўриши лозим. Бугунги нақш танлаш жараёнида ҳам айнан шу жиҳатларга эътибор қаратдик.

Хитойлик архитектор Жанг Юнинг фикрлари эътиборимизни тортиди:

– Биласизки, ўзбек халқи шу қадар чуқур тарихга эга, ҳар куни бу миллат ҳақида нимадир ўқияпман, урганияпман. Бугунги жараёни ҳам ўзингиз кўрднгиз, нақшлар шу қадар кўпки, танловда бир қарорга келиш жуда қийин бўляпти. Бу ўзбек халқининг қадрли ва кўп йиллик маданияти борлигидан далолат беради. Биз ҳар куни халқингизга тўлақонли маъқул бўладиган шаҳарча қуриш ҳақида бош қотирамиз. Фикримча, ишни муваффақиятли ақунлай оламиз.

Лойиҳа координатори Анвар Усманов ҳам лойиҳанинг барчамиз учун жуда катта аҳамиятга эга эканини айтиб, Президентимиз ҳам, вазир Батир Закиров ҳам қурилиш жараёнини жиддий назорат қилиб, ўз вақтида сифатли топшириш тарафдори эканини таъкидлади. Шу боис, қурилиш жараёнида ҳар бир юмушнинг ипидан игнасигача эътибор қаратилиб, мукамал даражада бажарилиши қатъий назоратга олинган. Буни ҳаттоки, ўтказилган йиғилишда бинолар устига қушлар қўниши ва унинг озодалиғига зарар етказилишининг олдини олиш масаласи ҳам қўриб чиқилганидан билишимиз мумкин.



Лойиҳаға кўра, шаҳарча 100 гектар майдонни ўз ичига олган бўлиб, шундан 71 гектар қурилиш майдони, 55 гектар кўк-ламзорлаштириш, 3,7 гектар сув ҳавзалари, 34,6 гектар йўллар, йўлакчалар ва майдонлардан иборат бўлиши режалаштирилмоқда. Олимпия шаҳарчасининг қолган ҳудудида боғлар, сув ҳавзалари, югуриш йўлакчалари ва очик спорт майдонлари лойиҳаланган. Шаҳарчани барпо этишда энергия тежамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир йилда ишлаб чиқариш қуввати 10,0 МВтлик яшил энергия манбаларини жорий қилиш кўзда тутилган. Бу борада 3 та йирик компания – LONGi Green Energy, Hanergy Holding Group, Jinko Solar қабилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ҳозирға қадар 6 та объектнинг қурилиш майдончаси ер ости ишлари (котлован) 100 фоизга, 1 та объектники эса (ресторан) 42 фоизга бажарилган. 4 та объект (маъмурий бино, асосий стадион, яккакураш спорт ва жамоавий спорт ўйинлари мажмуалари)да бетон пойдевор ишлари тўлиқ бажарилиб, қолган 3 та объектда бетон пойдевор ишлари тасдиқланган графикдан олдин амалга оширилиб келинмоқда. Қурилиш ишларига 600 нафар ишчи ва мутахассислар жалб қилинган бўлиб, улардан 300 нафари маҳаллий ва 300 нафари чет эл қурувчиларини ташкил қилади. Ушбу жараёнға 100 дан ортққ махсус қурилиш техни-

каси ва бошқа транспорт воситалари жалб қилинган.

Қурилишга бош-қош бўлаётган “China Camc Engineering Co. LTD” компанияси Хитой марказий ҳукумати томонидан бевосита бошқариладиган муҳим давлат таянч корхонаси бўлган Хитой миллий Машинасозлик саноати корпорациясига тегишли.

Компаниянинг яна бир ижод махсули сифатида барпо этилаётган Олимпия шаҳарчаси ҳам катта майдонни ўз ичига олган йирик лойиҳа ҳисобланади. Лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУК буюртмачилиғида амалга оширилмоқда. Умумий қурилиш майдони – 123 450 квадрат метрдан иборат 6 та объект, шу жумладан, 5 та спорт комплекси (футбол ва енгил атлетика стадиони, универсал сув спорт турлари комплекси, велодром, яккакураш, жамоавий спорт мажмуалари), 1 та маъмурий бино (тарқибда музей, қайта тикланиш маркази, Олимпия университети, Кураш ва параолимпия институти) қурилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида 13 та очик майдон (2 та чим устида хоккей майдони, 1 та енгил атлетика ва футбол майдони, 4 та теннис корти, 2 та стритбол майдони, 2 та кум устида волейбол майдони, 1 та экстрим ва 1 та БМХ майдони) барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

Ишонамизки, лойиҳа муваффақиятли яқунланиб, халқимизнинг яхши кўнларига кўп йиллар давомида хизмат қилади.

## Янгиладанаётган Қизилтепа

Фарход ҚУРБОНОВ, Қизилтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бошлиғи.

**Иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш, уларни кенгайтириш ҳамда реконструкция қилишға йўналтирилган ислохотлар натижасида Навоий вилоятининг архитектура қиёфаси тубдан ўзгарди. Туман ва шаҳарлар замонавий кўринишға кирди. Қизилтепа – вилоятнинг етакчи туманларидан бири ҳисобланиб, ҳудудда 260 та қурилиш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудлар таҳлилида 2022 йилнинг январь-август ойларида иншоотларни қуриш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишлари ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Навоий шаҳри ҳамда Қизилтепа туманларига тўғри келгани ҳам бежизға эмас.**

Шу кунларда ҳам туманда бунёдкорлик ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Тадбиркорлик кенг қулоч ёзган Қизилтепанинг қай бир маҳалласига кирманг, ободлик ва замонавийлик кўзга ташланади. Янги Ўзбекистоннинг ёрқин кўринишини шу туман тимсолида аңг-лаш мумкин. Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфраструктура-зилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан 2023 йилда тумандағи 34,5 км ички йўлларни таъмирлаш, 3,2 км тротуарлар қуриш, 58 донга ташқи ёриткич ўрнатиш, 13,5 км умумфойдаланувдағи йўлларни асфальтлаштириш, 141 км ичимлик суви тармоғи ҳамда 3 та сув иншооти қуриш, 4 та маҳалла биноларини янғидан қуриш, 4,6 км электр тармоғи ва 3 донга трансформатор пунктини барпо этиш каби ишлар амалға оширилгани аҳолининг қўлпаб муаммоларига ечим бўлди.

Аҳоли учун яратилган яна бир қулайлик – кўп қаватли турар жой биноларининг тикланганидир. Яъни, ўтган йилги туман марказида Алишер Навоий массиви қад ростлади. Унда 12 та кўп қаватли уй қурилиб, 240 та оила янги уйға эга бўлди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиғи махсулотлари ишлаб чиқариш заводи, ижтимоий соҳа объектлари, боғча, мактаб, поликлиника бинолари қурилиб, фойдаланишға топширилди.

Жорий йилда ҳам ҳудуднинг “Ўзбекистон” ва “Мустақиллик” МФЙларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, 80 млрд сўм маблағ ҳисобига Маликобод маҳалласида 8 та кўп қаватли уй-жойлардан иборат “Янги Ўзбекистон” масив қурилиши якуниға етмоқда. Мустақиллик байрами арафасида топширилиши кўзда тутилган массивда 1 та тиббиёт муассасаси ва 1 та мактабгача таълим ташкилоти, канализация ва ичимлик суви, электр, табиий газ, иссиқлик тизими тармоқлари барпо этилмоқда. Шунингдек, уйларнинг ертўла қисмидан фойдаланиш имкониятлари яратилган бўлиб, бунда аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Булardan ташқари, тадбиркорлар томонидан туманининг “Ўзбек-кистон” МФЙда қуриладиган кўп қаватли уйлар, “Бўстон” МФЙда 336 ўринли ихтисослаштирилган мактаб, 180 ўринли боғча бинолари ҳам Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишға топширилади. Шунингдек, 10 гектар ерга тикланаётган махсус кийим тикиш фабрикаси, 5 гектарда ташкил этиладиган кичик саноат зоналарида ҳам қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. “Ванғози” ва “Бўстон” МФЙда беш ҳамда етти қаватли уйларни қуришға киришилган.

Маълумки, сўнгги йилларда ҳудудларда туризмни ривожлантириш, сайёҳларни жалб этадиган лойиҳаларни яратиш ишларига ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Туманининг энг баҳаво гўшаси – Тудакўл дам олиш масканини кенгайтириш юзасидан ишлаб чиқилган мастер режа янги объектлар қурилишига асос бўлди. Айни чоғда бу жойда қад кўтарётган Шахмат мактабининг қурилиш-таъмирлаш ишлари Навоий кон-металлургия комбина-ти буюртмасига асосан пудратчи ташкилот Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан амалға оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 110 млрд сўм атрофида бўлиб, ҳозирда 70 фоиз ишлар ниҳоясига етказилган.

Жумладан, спорт ва тренажер зали, ошхона, ўқув хонаси, ётоқхона ҳамда амфитеатр биноларида ички-ташқи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Булардан ташқари, кўл атрофида қўшимча қурилишлар қуриш ҳам кўзда тутилган. Яқинда туман ҳокимлиғида кўл соҳилларидағи 90 гектар майдонга мўлжалланган мастер режа тақлифи лойиҳасининг тақдироти ўтказилди. Унда мутахассислар ўзларининг қўшимча тақлифларини билдиришди.

Албатта, олиб борилмаётган ҳар бир бунёдкорлик ишлари замирида ҳукумат қарорларини амалға ошириш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг уй-жойға бўлган эҳтиёжини таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳисса қўиш масаласи муҳассам. Бу борада Қизилтепа туманида амалға оширилаётган бунёдкорликлардан энг аввало, аҳоли мамнун бўлмоқда. Демак, биз ўз мақсадимиздан оғишмасдан одимлашда давом этамиз.

### ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

## Талабалар иштирокида реновация лойиҳалари яратилади

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошкент архитектура-қурилиш университетида Швейцариянинг Швейцария-Италия университети билан ҳамкорликда “Workshop of international social housing-WISH2023” мавзусида vorkshop ташкил этилмоқда.**

Мазкур тадбирда Швейцария-Италия университетининг 2 нафар профессор ўқитувчиси ва 8 нафар талабаси, Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Архитектура факультети ўқитувчилари – Азамат Ҳасанов ва Баҳодир Матчонов, шунингдек, 5 нафар талабалари иштирок этишляпти. Workshop давомида иштирокчилар мамлакатимизда ўтган асрда қурилган ижтимоий турар жойларни хавфсиз ҳамда яшаш учун қулай тарзда реновация қилиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқадилар.

Ўзбекистонлик ва швейцариялик профессор-ўқитувчи ва талабалардан

ташкил топган гуруҳ Буюк Ипак йўли ўтган шаҳарлар – Самарқанд ва Бухородағи 10 та объектда лойиҳа доирасида ўрганишлар олиб бориши режалаштирилган. Икки ҳафта давомида ўзбекистонда олиб борилган илмий изланишлар кейинги беш ҳафтада Швейцарияда давом эттирилади. Якуний тақдимот Швейцарияда ўтказилади ва ўрганилган бино-иншоотларни реновация қилишининг замонавий ечимлари тақлиф этилади.

Лойиҳа бўйича якуний хулосалар умумлаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиғига тақдим этилади.

## Университетларда ижодий имтиҳонлар бўлиб ўтди



**Тошкент Архитектура-қурилиш университети ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетларида алоҳида иқтидор талаб ётувчи таълим йўналишларида ижодий имтиҳонлар бўлиб ўтди. Абитуриентлар талабаликка саралаш жараёнининг илк босқичида чизмачилик ва рангтасвир йўналишлари бўйича имтиҳонларда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ижодий имтиҳонлар жараёнида шаффоқликни таъминлаш мақсадида ота-оналар учун жараёнларни онлайн кузатиш имконияти яратилди.**

Маълумотларға кўра, бу йил ТАҚУда мазкур таълим йўналишларида ўқиш истакгини билдирган ёшлар сони 381 нафарни ташкил қилмоқда.

– Университетимизда 2023-2024 ўқув йили учун кундузги таълимда 14 та таълим йўналиши бўйича қабул жараёнлари амалға оширилди, – деди ТАҚУ бўлими бошлиғи Зафар Абдувалиев. – Икита таълим йўналишида касбий ижодий имтиҳонлар катта тайёргарлик билан ўтказилди. Чизмачилик фанидан максимал балл 93, рангтасвир фанидан эса 63 баллни ташкил қилади. Имтиҳонлар жараёни кўнгидагидек ўтиши учун барча шароитлар яратилди. Хусусан, ижодий имтиҳон бўлиб ўтган хоналар тўлиқ камералар билан таъминланган бўлиб, жараёни ота-оналар бемалол ташқаридан кузатиб туриш имконига эга бўлишди.

– Интерьер дизайнерлик янгича касб бўлгани учун шу йўналишни танладим, – деди абитуриентлардан бири Қанола Асадуллаева. – Имтиҳонлар шаффоқ бўлиб ўтди. Уч соат давомида бизга берилган вақтдан самарали фойдаландик. Натижалар яхши бўлади, деган умиддаман.

Шунингдек, ижодий имтиҳонлар Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида

ҳам катта тайёргарлик ва қизғин руҳда ўтказилди. Алоҳида иқтидор талаб ётувчи таълим йўналишлари – “Дизайн: интерьер дизайнни” ва “Дизайн: ландшафт дизайнни” таълим йўналишларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун касбий (ижодий) имтиҳонлар жараёниға университет ректори Чидем Туркийилмаз бошчилиғида пухта ҳозирлик қўрилди.

Абитуриентларнинг ота-оналари ва яқинлари учун университет ҳудудида махсус салқин жой тайёрланган бўлиб, жараёни шаффоқ ва адолатли ўтаётганини билиш учун тўғридан-тўғри жонли эфирда кузатиш имконияти яратилди.

– Жорий йилда ушбу йўналишларға 159 нафар абитуриент ҳужжат топширган, – деди СамДАҚУ қабул комиссияси масъул котиби Шерзод Узоқов. – Улар орасидан 90 нафар энг билимдон ёшлар талабалар сафига қабул қилинади. Имтиҳон жараёнлари Низомға кўра, 2 та фандан (чизмачилик ва рангтасвир), 2 кун давомида бўлиб ўтди. Касбий (ижодий) имтиҳонларда абитуриентлар ранг сезиш, ранглар уйғунлиғида тасвирини ифодалай олиш ва деталларни тушуна билиш ҳамда фазовий тасаввурни қўллай олиш каби қобилиятларининг даражасига асосан баҳоланади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## Долзарб 30 кун қандай ўтмоқда?

Қонисбой БЕКМУРАТОВ, Чимбой тумани ФВБ НТБ бошлиғи, капитан.

**Сўнгги ўн беш йил оралиғида ёғингарчиликларнинг кескин камайиб кетиши оқибатида табиат ҳам тобора ўзгариб бормоқда. Буни шу кунлардаги ёз чилласи мисолида кўриш мумкин. Ўтаётган мавсумдаги ҳаво ҳарорати ҳар йиллик меъёрларига нисбатан юқорилиги сезиялпти. Шу сабабли, хонадонлар, корхона ва ташкилотларда совутиш ускуналаридан фойдаланишга бўлган талаб ва эҳтиёж, шунингдек, электр энергияси истеъмоли кескин ошган. Бундан ташқари, кўп қаватли уйлар, аҳоли пунктлари, йирик саноат корхоналарининг ҳудудлари қуриган ўсимликлардан тозаланимагани оқибатида турли кўринишдаги ёнгинлар сони ортмоқда.**

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжамасининг 2023 йил 5 июлдаги 418-Ғ-сонли Фармойишига кўра, 10 июлдан 10 августга қадар “Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб 30 кун” тадбири белгиланди. Оловни бежизга “тилсиз ёв”га қиёслашмайди, у содир бўлган жойда ҳамиша кўнгилсиз воқеалар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ойликни беталафот ўтказиш мақсадида жиддий ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бу борада Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан туман ҳудудида ёнгинларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ва иш режаси ишлаб чиқилган. Ҳудуддаги ижтимоий соҳа объеклари, кўп қаватли турар жойлар, аҳоли хонадонлари ва янги бунёд этилаётган қурилишларда кенг қамровли профилактик тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бироқ гапни гапир уққанга, деб бекорга айтишмаган экан. Ўтказилаётган тарғиботларга қарамай, айрим қурилиш ташкилотлари ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилмагани оқибатида ўзлари моддий ва маънавий

зарар кўрмоқда. Жумладан, Чимбой туманининг Шахтемир МФЙ ҳудудида “Амангелди Меҳрибон” МЧЖ томонидан бунёд этилаётган кўп қаватли иморат қурилишида ишловчилар бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги талабларининг тегишли бандларига амал қилмагани аниқланди. Объектнинг иккинчи қаватида ишлатилиши керак бўлган бетон плиталар ўрнига тез ёнувчи, яъни, қамиш маҳсулотларидан фойдаланилган. Бу ҳақда ташкилот раҳбари огоҳлантирилди ва туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Бундан ташқари, кўп қаватли уйлардан бирида хонадон эгаси дазмолни электрга улаган ҳолда қолдириб кетгани туфайли келиб чиққан ёнгин тезкорлик билан бартараф этилди. Хонадон эгаси эса моддий ва маънавий зарар кўрди.

Этиборсизлик ва ёнгин билан боғлиқ қоидаларга бефарқликдан кимга фойдаю, кимга зарар эканини мазкур мисоллар орқали англаш мумкин. Зеро, ойлик бўладими ёки бошқа тадбирми, ҳар ким доимо ўз хонадони, иш ва жамоат жойларида ёнгинга қарши тартиб-қоидаларга амал қилса, зиён кўрмайди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

## Орзуларга қанот йўллар

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Йўллар – манзилларни боғлайди. Узоқни яқин, яқинни узоқ қилиш ҳам айнан юрадиган йўлингиз сифатига боғлиқ. Шу боис, йўл қуришнинг савоби азалдан қадрланган. Ота-боболаримизнинг “Йўл қурган етар муродга”, деган ҳикмати замирида ҳам ана шундай эзгуликлар мужассам. Кенг ва равон йўллар йўловчида хушқайфият уйғотиб, дилларни чоғлайди. Ён-атрофдаги ободонлаштириш ишлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг сифати эса йўловчи ва ҳайдовчилар учун мамнуният бағишлайди.**

Шу мақсадда, бугун Қашқадарё вилоятида йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳудудда ички йўллар учун 162 млрд ажратилган бўлиб, бундан ташқари, “Менинг йўлим” лойиҳаси бўйича 33 та маҳаллани ички йўлларини таъмирлаш учун ҳам 34 млрд сўм маблағ ажратилган. Маълумот учун, бугунги кунда вилоятда жами 22 минг 035 километр автомобиль йўллари тармоғи мавжуд бўлиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари – 3 минг 487 километрни, ички хўжалик йўллар ҳамда шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари – 18 минг 548 километрни ташкил этади. Шунингдек, йўлларнинг ажралмас қисми бўлган кўприклар вилоятда 1 минг 432 та бўлиб, 612 таси умумфойдаланув автомобиль йўлларида, 573 таси ички хўжалик йўлларида, 247 таси эса сув хўжалиги бошқармасига қарашли.

Бугунги кунда йўл инфратузилмасини халқроқ стандартларга мослаштириш, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш орқали ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш доимий эътиборда. Бу борада 2023 йил вилоятда белгиланган давлат дастурлари асосида шакллантирилган 421 млрд сўмлик йўл қурилиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шу мақсадда, бугунги кунда жойларда ишлар авжида.

Жумладан, Чироқчи тумани марказидан олисда жойлашган Қизилчовра маҳалласининг Даштқизилчовра қишлоғида ҳам 1 километр ички хўжалик йўлини асфальт қилиш ишлари бошланди. Утган йилда қишлоқ аҳолиси “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида голиб чиқиб, 2 километр ички йўл асфальт қилинган эди. Дарвоқе, қишлоқдаги 42-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳам инвестиция дастури асосида



қўшимча 180 ўринли янги ўқув биноси қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Янги ўқув йилида даштқизилчовралик ўқувчилар янги мактаб биносида дарс машғулотларини бошлашади. Бу ишлар натижасида қишлоқда аҳоли яшаши учун қулай шароитлар яратилиб, ҳудуд кўркам ва замонавий қиёфа касб этади. Шунингдек, бугун юртимиз маҳаллалари инфратузилмасини яхшилаш ва аҳолининг кўп йиллик орзуларини ушлатириб, уларнинг қувончига сабаб бўлаётган “Ташаббусли бюджет” жараёнида фаол иштирок этиб, голиб деб топилган вилоятдаги бир қатор лойиҳалар бўйича қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Жумладан, Миришкор туманидаги “Барака” МФИда 2,6 километр, “Шириш” МФИда эса 3 километр ички йўллар асфальт қилинди. Шунингдек, Яккабоғ туманининг “Фишатепа” қишлоғида қарийб 1,2 млрд сўм маблағ эвазига 2,5 километр ички йўлларга асфальт қопламаси ётқизилди. Шу билан бирга, “Обод қишлоқ” ва Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳам ички хўжалик йўлларини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, олис қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган бу каби бунёдкорлик ишлари замирида халқимиз турмуш даражасини яхшилаш каби эзгу мақсад мужассам.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

## Тунлари кундуздек чароғон манзиллар

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Одатда, куз фасли яқинлашгани сари электр энергияси таъминотидаги муаммоларни ўйлаб, ташвишланамиз. Бироқ Бўстон туманидаги Давлатобод маҳалласи аҳлининг бу борада кўнгли тўқ! Боиси, манзилда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.**

– Бунинг учун маҳаллада 51 дона темир-бетон таянч ўрнатилиб, 3,7 километр узунликда электр узатиш тармоқлари тортилди, – деди “ANDIJON HETK” АЖ капитал қурилиш бўлими бошлиғи Ҳотамжон Турғунов. – Қишки

мавсумда электр энергиясига бўлган талабнинг ортиши турли кўнгилсизликларга сабаб бўлишини ҳисобга олиб, маҳаллага 1 та трансформатор пункти ўрнатилди. Бу эса таъминот сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

## 76 йиллик танаффусдан сўнг...

**Андижон вилоятидаги мавжуд сув ариқлари, каналларда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қайсидир манзилда янги ариқ қазилаётган бўлса, бошқасида таъмирлаш ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, Марҳамат туманидаги “Қирғиз” ариғида ҳам реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Қўшни Қирғизистон Республикасидан бошланадиган мазкур ариқ сўнгги бор 1947 йилда таъмирланган эди.**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

## Трансформатор пункти ва электр узатиш тармоқлари таъмирланди

Бегзод АҲМАДКУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Сирдарё ҳудудий филиали томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида паст кучланишли электр узатиш тармоқлари, электр қурилмаларини жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари ўз муддатида бажарилмоқда.**



Хусусан, вилоят ҳудудидаги 241 дона трансформатор пункти ва 686 километр электр узатиш тармоғи мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 1306 километр электр узатиш тармоқлари ва 530 та трансформатор пункти жорий таъмирланди.

## Мониторинг ишлари олиб борилди

**Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ноқонуний объекتلарни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мониторинг ишлари олиб борилди.**



Хусусан, Гулистон шаҳар ҳудудида бюуртмачи томонидан тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштирмасдан ҳамда ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмай туриб, “Бухоро нурли келажак сари” МЧЖ томонидан Гулистон шаҳридаги Шодлик маҳалласи Хондамир кўчасида 1 та 7 қаватли турар жой биноси қурилаётганлиги аниқланган. Ушбу қурилиш объекти бўйича бюуртмачига инспекциядан рўйхатдан ўтказиш тўғрисида 2023 йил



14 апрель куни 432-сонли огоҳлантириш хати ҳамда қурилишини тўхтатиш тўғрисида 2023 йил 17 май куни 76-сонли ёзма кўрсатма берилган.

МЧЖга нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 99-моддаси 7-бандига асосан мамурий жарима қўлланилган. Ҳозирда “Бухоро нурли келажак сари” МЧЖга тегишли 7 қаватли турар жой биноси қурилиши ҳудудий инспекция томонидан тўхтатилган.

Олиб борилган сайй-ҳаракатлар туфайли манзилдаги 60 та хонадонда электр билан боғлиқ муаммоларга ҳолат қолмади.

Бу каби хайрли ишлар вилоятдаги 30 та маҳаллада давом этди. Натижада 59,7 километр узунликдаги электр узатиш тармоғи тортилиб, 20 та трансформатор пунктлари ўрнатилди. Бунинг натижасида 5 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида электр таъминоти сифати яхшиланди.

Ободлик кўнгилдан бошланади, деб бежизга айтмайдилар. Андижон вилоятида кенг қулоч ёйган маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга доир ишлардан бугунги кунга келиб ҳамюртларимиз миннатдор! Боиси, бу каби сайй-ҳаракатлар натижасида юртимиз янада ободлашиб, аҳоли турмуш шароити яхшиланмоқда.

– Бу давр орасида айрим қисмлари фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолди, – деди Марҳамат тумани ирригация бўлими бошлиғи Илҳомжон Дадажонов. – Бу эса сув исрофгарчилигига олиб келаётганди. Ҳозирда ариқнинг республикаимиздаги 13,5 километрдан иборат қисmini фаолиятга созлаш ишлари бажарилаяпти. Жумладан, ариқни бетонлаш,

гидропостларни янгилаш, сув ўлчовчи қурилмаларни замонавийсига алмаштириш каби ишлар йўлга қўйилган.

“Қирғиз” ариғининг реконструкция қилиниши натижасида тумандаги Машъал, М. Тожибоев, Й. Охунбобоев ҳамда Т. Мирзоев массивларидаги 500 гектардан зиёд экин майдонларига сув етказиб бериш сифати яхшиланади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

## Ижтимоий соҳа объектлари янгиланмоқда

Фозилжон ҚОСИМОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Янги ўқув йили олдидан Жиззах вилоятидаги кўплаб умумий ўрта таълим мактабларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, бир нечта ҳудудлардаги муассасалар учун янги ўқув бинолари ҳам қад ростлаяпти.**

Жумладан, Шароф Рашидов туманининг “Кўёвбоши” МФЙ ҳудудида жойлашган 5-умумий ўрта таълим мактабида замонавий янги ўқув биносининг қурилиш ишлари қизгин давом этапти. “Қамронбек – Ишонч қурилиш” МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилаётган 2 қаватли объектни қуриш учун белгиланган ер ишлари ва 1-қават ғишт териш ишлари 100 фоизга бажарилган. Август ойининг сўнгги 10 кунлигида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ўқув биносида ишлар белгиланган режа асосида давом этапти.

Туманининг “Қангли” МФЙ ҳудудида жойлашган 14-умумий ўрта таълим мак-

табида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари қизгин. Бу ерда 330 ўринли ўқув биносини қуриш ва мавжуд 630 ўринли ўқув биносини мукаммал таъмирлаш режалаштирилган. “Мукаммал қурилиш савдо ” МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилаётган янги 2 қаватли бионинг биринчи қават ғишт териш ишлари якунланиб, ҳозирда 2-қаватни кўтариш жараёни бошлаб юборилган. Шунингдек, эски мактаб биносига замонавий дераза ромларини ўрнатиш, пол ишлари ҳамда электр демонтаж жараёни ҳам якунига етай деб қолган.

Бу каби қурилиш ва бунёдкорлик ишлари вилоят бўйлаб давом этмоқда.

## Аҳоли фаровонлиги учун

**Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, фуқаролар муаммоларини тизимли ҳал этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун сўнгги йилларда юртимизда мазкур тузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Улар учун барча шароитга эга маҳалла бинолари бунёд этилмоқда.**

Бунга Пахтакор туманидаги Чаманзор маҳалласи учун қуриб берилган янги бинони мисол қилиб келтириши мумкин. Давлат-хусусий шерикчилик асосида замон талабларига мос келувчи янги бионинг фойдаланишга топширилиши маҳалла аҳолиси учун совға бўлди. Айтиш керакки, олти минг нафардан зиёд аҳоли яшаётган маҳалла шу кунга қадар ўз биносига эга эмасди. Ҳомийлик асосида қуриб берилган замонавий масканда ходимлар учун зарур шароитлар, замонавий мебеллар тўпламлари, компьютер жамланмалари мавжуд.

Бионинг очилиш маросимида туман ҳокими, мутасадди ташкилотлар, нурунийлар, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбирда иштирок этганлар

юртимизда ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ҳамда бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини эътироф этишди.

Шу кунги туман масъуллари маҳалладаги имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган ёшлар ҳолидан хабар олишди. Жумладан, Ибн Сино кўчасида яшовчи болалиқдан ногиронлиги бўлган Сардор Ўбайдуллаевга ногиронлар арава-часи ҳамда совғалар топширилди.

## Маҳаллалар обод бўлмоқда

**Жиззах шаҳридаги Боғишамол маҳалласида жами 10 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, шундан, 7 тасининг том ва фасад қисмлари таъмирталаб ҳолга келиб қолган эди. Ҳозирги кунда Жиззах шаҳар ҳокими Комил Холмуродов ташаббуси билан ушбу 7 та бино таъмирланмоқда. “Пахтакор Агрометал Сервис” хусусий корхонасининг 32 нафар ишчи-ходими таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.**

Шунингдек, Янгиобод туманида ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл ва муҳандислик коммуникация тармоқларини ривожлантириш ишлари давом этмоқда. Жумладан, айни кунларда тумanning “Дўстлик” МФЙга қарашли

Намингон қишлоғига олиб борувчи йўлнинг 2 километр қисмида асфальт ётқириш ишлари олиб борилмоқда. Асфальтлаш жараёнларида 20 дан ортиқ малакали ишчи-ходимлар, 10 дан ортиқ махсус энгил ва юк машиналари жалб этилган.

# Сурхондарёда икки автомагистрални бирлаштирувчи янги йўл қурилмоқда

Азиз МАШРАБОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбари жорий йилда Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида кўп йиллар мобайнида одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган автомобиль йўлларидаги мавжуд аҳволни бевосита кўздан кечирган эди. Узоқ йиллардан буён носоз, таъмирталаб бўлиб қолган Дарбанд-Денов йўналишидаги автомагистралнинг бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслигини инобатга олиб, тез фурсатларда уни замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган ҳолда қайта қуриш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифаларни белгилаб берилган эди. Президент топшириғига биноан айни кунларда Бойсун, Бандихон, Қумқўрғон, Олтинсой ва Денов туманлари ҳудудидан ўтувчи мазкур йўлда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Дарбанд-Денов йўналишидаги автомагистрал ўтган асрда қурилган бўлиб, унинг 70 километр қисми Бойсун тумани ҳудудидаги тоғ ва тоғ олди ҳамда қиравдирликлардан ўтган. Бир кунда 5 мингдан 7 минггача автомобиль ҳаракатланадиган мазкур йўлнинг деярли яроқсиз ҳолга келиб қолгани очиги, ҳайдовчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди. Чунки тоғ йўли, унинг 26 та нуктасида хавфли бурумлар, паст-баландликлар бор. Устига устак, йўлнинг ҳар жойида тўлқинсимон бўртмалар ҳам пайдо бўлганди. Ачинарлиси, бу йўналишнинг айнан шу қисмида тез-тез турли автотранспорт ҳодисалари ҳам учраб туриши бор гап. Бугун мазкур “4Р-105 Дарбанд-Бойсун-Элбаён” автомобиль йўлининг 5–70-километр қисмида катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур автомобиль йўли реконструкция қилиниши билан Сурхондарё вилояти ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги М-39 ва М-41 автомагистраллари қисқа масофада бирлаштирилади. Ва М-41 автомагистрал орқали Тошкент шаҳрига қатновни амалга ошираётган халқаро ва маҳаллий автоташувчилар

учун мавжуд 298 километр узунликдаги автомобиль йўли 146 километрга қисқартирилади ва натижада масофа 152 километрни ташкил этади.

Айтиш керак, мазкур серкатнов йўналишнинг 9 та жойида сел олиш хавфи мавжуд. Лойиҳа ишлари-га кўра, йўл қурилиши жараёнларида 30 дан ортиқ кўприк, 200 дан ортиқ сув ўтказгич иншооти таъмирланади ва қурилади. Натижада бетон қопламали тўрт тасмали ушбу автомобиль йўли замонавий талабларга мослаштирилади. Айни кунларда йўл қурилишига 120 дан ортиқ махсус автомашина ва механизм ҳамда 120 нафар ишчи жалб қилинган.

– М-39 билан М-41 халқаро автомагистралини боғлайдиган ушбу биз қураётган йўлнинг умумий узунлиги 107 километрни ташкил этади, – деди лойиҳа раҳбари Мусават Камил Онол. – Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, Тошкентдан чиққан автомашина М-39 магистралидан биз қураётган йўлга ўтади ва ундан М-41 орқали Тожикистон Республикасига тез ва ҳеч қандай талафотларсиз етиб олиши мумкин. 2 ва 4 тасмадан иборат ушбу йўл бетон қопламали бў-



либ, тупроқ, тош-шағал қисми билан ҳисоблаганда баландлиги 98 сантиметрни ташкил этади. Қурилиш ишларини 2 йилда ўз ниҳоясига етказиш белгиланган.

Муҳандислик ғояси, лойиҳа ечими билан бошланадиган ва миллионлаб куб метр тупроқни қўчириш, минглаб тонна кум, шағал, асфальт, битум ётқизиш билан яқунланадиган, муҳими, ҳар куни минглаб одамлар, автомашиналарнинг узоғини яқин қиладиган йўллар қурилишида жуда катта меҳнат талаб қилинади. Шу боис ҳам, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган ушбу магистрал қурилишида тажрибали ишчи-муҳандис, замонавий техника ва механизмлардан унумли фойдаланилмоқда.

Лойиҳа шу йилнинг 12 март куни бошланган эди. Хозирда биринчи ЛОТнинг 14-километрга етиб келинди. Иккинчи ва учинчи ЛОТларда ҳам ер ишлари бошланган. Шунингдек, портлатиш ва қазиш ишлари ҳам давом этмоқда. Албатта, иш унумдорлиги техника ва

ишчи кучига боғлиқ. Айни пайтда бу ерда 200 га яқин техника ишлаётган бўлса, асосий техника воситалари энди олиб келинмоқда. Автомагистралда кўприклар ҳам жуда кўп. Масалан, биринчи ЛОТда 7 та кўприк бўлса, иккинчи ЛОТда 3 та ва учинчи ЛОТда 18 та кўприк мавжуд. Булар қайта қурилади ва реконструкция қилинади. Бундан ташқари, сув ўтказгичлар ҳам бор.

Бир сўз билан айтганда, М-39 ва М-41 автомагистралларини қисқа масофада бирлаштирувчи “4Р-105 Дарбанд-Бойсун-Элбаён” автомобиль йўли ҳам Ўзбекистоннинг барча ҳудудини бир-бирига боғлайдиган, кўплаб халқаро йўллар кесишувида жойлашган Ўзбек миллий магистралининг муҳим қисми ҳисобланади. Энг муҳими, бу йўл келгусида инвестиция муҳитининг яқилланиши, давлатнинг экспорт, импорт ва транзит юк ташвиш имконияти, шунингдек, чет эл инвесторлари ва сайёҳларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

## Правительство Республики Узбекистан

получило кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:

| №  | Наименование объекта                                                                                     | Номер контракта     | Стартовая стоимость работ (сум без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------|-----------------------------------------|------------------------------------------|
| 1. | Ремонт и строительство мостов (водопропускные сооружения) на территории МСГ “Рохат” Мархаматского района | MOEI-RIDP-AND-CS-40 | 70 115 000                              | 90                                       |

### Инжиниринговая компания СЕЗ Андижанского областного хокимията (далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов по Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 330 000 сум.

Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание Главного управления строительства, 1-этаж, кабинет, 106) не позднее 16:00, 16 августа 2023 года.

Подача предложений:

- Заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;
- цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС;
- крайний срок подачи заявок – 16.08.2023 года, 16:00;
- Адрес для подачи заявок:

Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу: г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание Главного управления строительства, 1-этаж, кабинет, 106).

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

Адрес электронной почты: andijon.tender@mail.ru

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

## “Qashqadaryo texnologik transport” AJ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ Қузатув кенгашининг 2023 йил 28 июль куни бўлиб ўтган йўлриш қарорига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 23 август соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Косон тош йўли, 16-йи манзилидаги жамият биносининг мажлислар залида ўтказилади. Умумий йиғилишга келган акциядорлар (уларнинг вакиллари)ни рўйхатга олиш соат 14.00 дан 15.00 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2023 йил 28

июль ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2023 йил 17 август.

#### КУН ТАРТИБИ:

- Акциядорларнинг умумий йиғилишининг регламенти ва саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
  - Қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
- Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини

тасдиқловчи ҳужжат ва юридик шахс раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахсининг йўлриш билан тасдиқланган ишончнома билан қилишлари шарт.

Акциядорлар йиғилиш материаллари билан 9.00 дан 16.00 га қадар жамият Қимматли қозғолар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ жойлашган жойи (почта манзили): Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Косон тош йўли, 16-йи.

Жамиятнинг электрон почта манзили: qashqadaryotextrans@mail.ru, qatt00@mail.ru

Батафсил маълумот учун телефон: 99-545-53-58.

“QashqadaryoTT” AJ раҳбарияти.

## “Mulk o‘lmas sarmoya” МЧЖ

### АУКЦИОН САВДОГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2023 йилнинг 31 август куни соат 10.00 дан бошлаб жамият офисида аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдога қўйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

Қашқадарё вилояти футбол ассоциациясига қарашли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 655422, кузов рақами 040197, ранги зеленый (яшил), давлат рақами 70 892 ОАА бўлган, техник таъмирталаб ҳолатдаги “Нексия” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 7 432 794 сўм.

Ариза қабул қилиш тартиби: аукцион савдода қатнашиш учун аризалар эълон газетдада чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни, дам олиш кунлари (шанба ва яшанба) ва байрам кунларидан ташқари соат 10.00 дан 17.00 гача “Mulk o‘lmas sarmoya” МЧЖ биноси (Қарши шаҳри, И. Каримов кўчаси, 52-“А” уй)да қабул қилинади (тушлик 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилиш 2023 йил 30 август куни соат 17.00 да тўхталади.

Юқорида қайд этилган автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2023 йил 7 сен-

тябрь ва 14 сентябрь кунлари соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Савдоларда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар “Mulk o‘lmas sarmoya” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари лозим: 2020 8000 8045 9352 0001 “Ипотека банк” Қарши шаҳар филиали МФО 00190 СТИР 300201778 ОКОНХ 83300.

Манзил: Қарши шаҳри, И. Каримов кўчаси, 52-“А” уй.

Мўлжал: “Ucell” компанияси биноси рўпарасида жойлашган.

Телефон: 99-505-50-40.

0000195 рақамли гувоҳнома.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

### Август ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик марказий аппарати бош бухгалтери **Эркин Эрматов**, Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи в.в.б **Жасур Файзиев**, Хўжалик ишлари бўлими компьютерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник **Нодира Исоқжонова**, Компетенцияни ривожлантириш ва малакани баҳолаш тизими-ни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Абдурахмон Очиллов**, Қурилиш соҳасида лицензиялаш ва аккредитациялаш бўлими бош мутахассиси **Умид Деққонбоев**,

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК бош мутахассиси **Пётр Вдовин**, “Ташгипрогор” АЖ ҳайдовчиси **Орифжон Олимов**, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Сирож Акромов**,

Навоий вилояти, Қизилтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассис-архитектори **Бурҳон Аслонов**, Томди тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассис-архитектори **Ғали Санакулов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси қоровуллари **Илҳом Жабборов** ва **Ғайрат Нормоев**, Боевўт тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича мутахассиси **Нуруллоҳон Насуруллаев**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мутахассиси **Бахтиёр Обидов**,

Сирдарё вилояти, Ширин шаҳридаги “Ширин-Коммунал Таъмирлаш-Сервис” МЧЖ бош директори **Умиджон Жўзаев**, Тошкент вилояти, Олмаиқ шаҳридаги “Smart Lyuks Build” МЧЖ бош директори **Шухрат Қосимов**,

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги “Бек Асп сервис” МЧЖ бош директори **Худойберди Рустамов**,

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги “Вал бандж сервис” МЧЖ бош директори **Матлуба Шодибекова**, “Берёза коммунал сервис” МЧЖ бош директори **Айтпалла Азимова**, “Элрус бошқарув” МЧЖ бош директори **Рустам Бадалов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,  
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



IQTIMOYIY-IQTISODIY GAZETA  
**O‘ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

#### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Тахрир ҳайъати раиси),  
Шерзод Ҳидоятлов,  
Давронжон Адиллов,  
Жалол Арашов,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

#### ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»  
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»  
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСАЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирилик,  
«Ўзсанотқурилишматериаллари»  
уюшмаси, «ЎЗАШКЛИТИ» ДУК,  
«ЎшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

#### ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:  
71-208-12-00 (қабулхона),  
71-208-12-00 (тахририят),  
71-208-12-00 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),  
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

#### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон  
Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 91-479-55-11.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г-837.  
1625 нусхада босилди.  
Қозғ бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоси келишилган  
нархда. ISSN 2181-8762.  
Тахририятга келган қўлёзмалар  
такриз қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Газета тахририят компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

#### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Эгамбердиев.

Навбатчи – М. Ҳайдаров.

ЎЗА якуни – 22.00.  
Топширилди – 22.50.